Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 25 март чоршанба

Сотувда эркин нархда № 63 (1844)

АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ

СЕШАНБА ХАБАРЛАРИ

● ХУШХАБАР

АКАДЕМИК МЕДАЛЬ ОЛДИ

Ўзбекистон Фанлар академияси кимё институти директори Зокиржон Салимов Санкт-Петербургда экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги халқаро фанлар академияси ҳайъати қарорига мувофиқ М. Ломоносов номидаги медаль билан тақдирланди. Олим бу мукофотга саноатдаги газ чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларни тозалаб, улардан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиққани, хусусан, катта самара билан ишлайдиган, ҳавони намлик усулида тола чангидан 99 фоизгача тозалайдиган ускунани барпо этгани учун сазовор бўлди.

— Дунёда ҳали бундай технология ишлаб чиқилган эмас. Ҳозир бу ускунанинг дастлабки нусхаси «Урганчёғ» ҳиссадорлик жамиятида жорий қилинмоқда, — дея хабар қилади Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

● АЛОҚАЛАРИМИЗ

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида "Ўзбекистон — Литва" дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлди, — дея хабар қилади Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

Таъсис мажлисида "Ўзбекистон — Литва" дўстлик жамияти ташаббускор гуруҳи аъзолари, фан ва маданият арбоблари, Литва миллий-маданий маркази ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Мажлисда жамиятнинг бошқарув органлари сайланиб, мазкур жамиятнинг Низоми қабул қилинди. Республика "Ўзбеккоинот" давлат агентлигининг бош директори Камол Мўминов "Ўзбекистон — Литва" дўстлик жамиятининг раиси этиб сайланди.

● ДАН НАЗОРАТИДА

МАШИНАНИ ЎМАРГАН ЭКАН

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Республикамиз миқёсида ўтказилаётган бу тадбир ижобий натижаларни бермоқда. ДАН ходимлари ва кенг жамоатчиликнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли тартиббузарлик ҳолларининг олди олиниб, жиноятчиликнинг пайи қирқилмоқда.

Олмалиқ шаҳри. Марказий йўлда катта тезлик билан келаётган Газ-52 русумли 43-29 ТШМ давлат белгили автомашинаси муюлишда турган ДАН ходимлари Р. Қосимов ва Т. Қурбоновларда шубҳа уйғотди. Уларнинг бири уни тўхтатмоқчи бўлганда ҳайдовчи йўлни чапга солди.

Назоратчилар зудлик билан автомашинани тўхтатиш чораларини кўрдилар. Ҳайдовчининг ҳужжатлари текшириб кўрилганда бу шахс Николай Корчунов эканлиги маълум бўлди. У жиноятга қўл уриб, мазкур автомашинани ўғирлаб қочган экан. Ҳозир унинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда, деб ёзади мухбиримиз Мурод АЛИМ.

● ЖИНОЯТ

ҚЎЛГА ТУШДИ

«Душанбе — Москва» поездининг саккизинчи вагонида ширин хаёллар оғушида кетаётган Н. Дилшод Термизга келганида бирдан чўчиб тушди. У вагонга ижозат сўраб кирган формали кишилардан эмас, улар ёнида турган итдан кўзини узолмасди. Қаттиқ қўрқув унинг қулоғини кар, кўзини кўр қилиб қўйди чоғи, милиция ходимларининг «Биродар, юкларингизни кўрсатинг-чи» деганини гўёки эшитмагандек тураверди.

Итнинг безовталаниши ички ишлар ходимларини ҳушёр торттирди. Тошдай қотиб қолган йўловчининг юклари орасидан 8 кило 200 грамм миқдоридаги қорадори топилди. Тожикистоннинг Хатлон вилоятидаги Восеъ қўрғонида истиқомат қилувчи бу фуқаро жиноятга қўл уриб қанча-қанча пулнигина эмас, оромини ҳам бой берди. У энди қилмиши учун жавоб беради, — дея хабар берди милиция лейтенанти Шуҳрат Рўзиев.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

«Соат миллари»ни Қурбон ЭШМАТОВ кузатди.

МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ

Агар тарихга бир назар соладиган бўлсак, ҳар қандай мамлакат ҳам ўз тараққиётининг юксалиш палласида қурилишга, ободончиликка алоҳида эътибор қаратган. Айни кунларда республикамизнинг қайси шаҳри, қайси вилоятида бўлманг, қурилиш ишлари жадал бораётганининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, азим пойтахтимиз жамоли кундан кун ўзгариб, кўркамлашиб бораяпти. Бу — мустақиллик саодати юрт маъмурчилиги ва осойишталиги шарофатидир.

«Тошсаноатқурилиш» трестига қарашли 50-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари Юнусобод мавзеида 48 хонадонга мўлжалланган уй қурилишини бошлаб юбордилар. Мустақиллик байрами арафасида уйлар калитини эгаларига топширишга аҳд қилган қурувчилар айни кунларда жадал иш олиб бормоқдалар.





СУРАТЛАРДА: монтажчилар бригадири Исмат Турсунов; қурилиш майдонида; қурувчилар Давид Фахриддинов, Абдусаттор Фармонов ва прораб Алишер Абдураҳмонов.

Тўлқинбек КАРИМОВ олган суратлар.

ҲУКУМАТНИНГ КУТИЛМАГАН ИСТЕЪФОСИ

Россия Президенти Б. Ельцин фармони билан Бош вазир В. Черномирдин, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А. Чубайс, ички ишлар вазири А. Куликов истеъфога чиқарилди. Президентнинг бундай кескин қарори мамлакат сиёсатчилари ва жамоатчилиги учун кутилмаган воқеа бўлди.

Президент Б. Ельцин телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, ҳукуматнинг истеъфога чиқарилиши Россия ички ва ташқи сиёсатига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, биз ислоҳотлар йўлини давом эттирамиз, деди. У собиқ Бош вазир хусусида тўхталиб, В. Черномирдин 1999 йилги парламент ва 2000 йилда ўтадиган Президент сайловларига тайёргарлик кўришини билдирди.

Б. Ельцин янги Бош вазир тайинлангунча, ҳукуматнинг бошқа аъзолари вазифаларини бажариб туришини ҳам маълум қилди.

Бир қанча кузатувчилар ва давлат Думасининг баъзи депутатлари фикрича, мамлакатдаги оғир иқтисодий аҳвол, айниқса иш ҳақи бўйича қарзларнинг кескин ўсиб бораётганлиги ҳукумат истеъфосига сабаб бўлган.

Президент энергетика вазири С. Кириенкони Бош вазирнинг биринчи ўринбосари қилиб тайинлади. Б. Ельцин янги Бош вазир номзодини эса яқин орада эълон қилишини маълум қилди.

Давлатлараро Кенгашнинг Тошкентда ўтадиган навбатдаги мажлиси олдидан

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бундан тўрт йил муқаддам — 1994 йил 10 январда Тошкентда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ўша йили 16 январь куни Қирғизистон ҳам мазкур шартномага қўшилди.

Ушбу шартноманинг имзоланиши, шак-шубҳасиз, Марказий Осиё интеграцияси йўлида ташланган энг муҳим қадам бўлди. Бугун эса шу нарса тобора яққолроқ намоён бўлаяпти, Марказий Осиё мамлакатлари интеграцияси, уларнинг тараққиёти маълум маънода Ягона иқтисодий макон салоҳиятига ҳам боғлиқ. Бунинг изоҳи шундай: аввало, Ягона иқтисодий макон минтақада иқтисодий бирлик тузишга қаратилган. Бу Марказий Осиё мамлакатлари интеграцияси ижтимоий-иқтисодий йўналишининг асосий мўлжалидир. Интеграциянинг сиёсий томони эса минтақавий хавфсизлик, ҳудудий яхлитлик ва дахлсизликни таъминлаш учун ўзаро стратегик ҳамкорликни қарор топтириш билан боғлиқ. Ягона иқтисодий маконни барпо этиш, яъни тўла шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугун ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам сиёсий томондан ўз самарасини кўрсатаётир.

Оддий бир мисол: Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг ("Центразбанк") ташкил этилиши мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун амалий тадбир бўлди. Ўзаро ҳамкорлик бўйича дастурлар қабул қилиш, лойиҳалар тасдиқлаш билангина иш битмайди. Айтилган гапни амалга ошириш учун маблағ керак. Шу маънода, ушбу "умумий ҳамён"даги хазина иштирокчи томонлар тенг манфаат топадиган, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олувчи қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур.

"Центразбанк" билан жаҳондаги улкан газналардан саналадиган Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини ҳам эслаб ўтиш керак. Муҳими шундаки, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки мақсад ва йўналиши билан Европа тикланиш ва тараққиёт банкига уйғундир. Бугун уч мамлакат аъзо бўлган мазкур банк келажакда дунёдаги қудратли молия марказларидан бирига айланса, ажаб эмас.

Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан сўнг орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги интеграцияни чуқурлаштириш бўйича элликдан зиёд лойиҳани ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилди. Молия-саноат гуруҳларини тузиш, кимё саноати, коммуникация, нефт ва газ саноати, электротехника ва бошқа муҳим соҳалар бўйича ишлаб чиқилган мазкур лойиҳалар айни кунда ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Табиийки, минтақавий интеграция жараёнларида муайян мамлакатларнинг сиёсий-иқтисодий, тарихий, миллий, этник, шунингдек, ҳудудий яқинлиги бош мезон саналади. Масалан, Европанинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий томондан бугунги даражага чиқишига асримизнинг биринчи ярмидаёқ бошланган, иккинчи жаҳон урушидан кейин янгича мезонлар асосида ривожлантирилган умумевропа яхлитлиги ғояси йўлидаги ҳаракатлар сабаб бўлгани шубҳасиз. Бугун эса дунёнинг барча минтақаларида, у хоҳ Осиё, хоҳ Европа бўлсин, интеграция жараёнлари кундан-кун фаоллашмоқда. Сиёсатчилар таъбири билан айтганда, дунё бу ҳаракатлар натижасида "кичрайиб бораётир". Шу маънода, Марказий Осиё интеграциясини халқаро аҳамият касб этувчи ҳодисалардан, дейиш мумкин.

Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг асосий мақсади - иштирокчи томонлар ўртасида ўзаро маҳсулот, хизмат, сармоя ва ишчи кучининг эркин айланишини йўлга қўйиш, ўзаро келишилган ҳолда кредит-ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини юритиш, мавжуд табиий-иқтисодий захиралардан унумли фойдаланиш, деб белгиланган. Ягона иқтисодий макон доирасида минтақада тинчликни таъминлаш масаласи ҳам ҳамиша томонларнинг диққат марказида. Иштирокчи мамлакатлар Давлатлараро Кенгашининг 1995 йил декабрда бўлиб ўтган Жамбул учрашуви чоғида БМТ раҳнамолигида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистоннинг тинчликни сақлаш батальонини ташкил этиш ва шакллантириш ҳақидаги ҳужжат имзоланган эди.

Айни вақтда Ягона иқтисодий макон доирасида йирик халқаро консорциумлар тузиш, шу орқали чет эл сармоясини кўпроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1997 йилнинг 10 январида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида имзоланган уч қардош мамлакат ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома эса ўзаро интеграцияни янада жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Тошкент учрашуви ҳақида шуни айтиш мумкинки, унда муҳокама этилажак масалалар, имзоланажак ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар қўламини янада кенгайтириш, Марказий Осиё интеграциясини фаоллаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Ф.АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

МАВЗУГА ОИД АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР:

1994 йил, апрель. Чўлпонота. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Президентлари иштирокчи мамлакатлар ҳамкорлиги ва улар иқтисодиётининг интеграциялашувини таъминлашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган Ягона иқтисодий макон барпо этиш ҳақидаги уч томонлама Шартномани имзоладилар.

1994 йил, июль. Алмати. Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага аъзо мамлакатлар Давлатлараро Кенгаши ва Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ("Центразбанк") ташкил этилди.

1995 йил, декабрь. Жамбул. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳамкорликда БМТнинг захирадаги қучлари таркибида тинчликни сақлаш батальонини ("Центразбат") ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

1996 йил, май. Бишкек. "Марказий Осиё: интеграция муаммолари" журналини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ, БИРНИ КЎРИБ ШУКР

Жумла жаҳон, минглаб йиллар тажрибаси, инсон аклу заковати, ҳаёт фалсафасини икки оғиз сўз билан ифодалаш санъати бу, шубҳасиз, мақолдир. Ҳақиқатан, бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр кил, нақли устида мулоҳаза килинса, мазкур хикматнинг неча бир минг киррасини очиш мумкин. Шу билан бирга ушбу мақолнинг бош мағзи атрофимда, хаётингда бўлаётган ўзгаришларга синчковлик кўзи билан бок, улар хусусида фикр юрит, тахлил кил, хулоса чикар, шундагина камрок кокиласан, ишинг олдинга қараб юради, демакдир.

Бу мақолнинг яна бир хусусияти бор. У ҳам бўлса, унга риоя қилиш учун инсон, миллат озод бўлмоғи даркор. Бўйнингга занжир, оёқларингга кишан урилган ҳолатда ниманинг фикрини-ю, ниманинг шукрини қиласан ҳам. Фикр ҳам, шукр ҳам эркин жамиятга хослиги чин ҳақиқат. Шу маънода, масалан, ўн йил бурун Ўзбекистон экспорти, импорти, ташқи савдоси, ялпи ички маҳсулот ҳажми, пул муомаласи, республика валюта бозори, инвестиция сиёсати, четдан маҳсулот олиб киришни камайтириш, корхоналарни энг замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, ёшларни, ўқитувчиларни ривожланган давлатларга ўқишга, тажриба орттиришга юбориш, нефть, дон мустақиллиги, ўзбек автомобили ҳақида сўз айтиш у ёқда турсин, ҳатто фикр, хаёл, орзу қилиш мумкинмиди?! Минг бора йўқ! Бугун эса мумкин. Нафақат мумкин, балки кишиларимиз наздида буларнинг бари оддий бир ҳолдай, гўёки доим шундай бўлиб келган ва шундай бўлиши керакдай. Албатта, бир томондан олганда, мазкур ҳолатнинг ҳеч бир ёмон жиҳати йўқ. Яъни одамларимиз учун мустақиллик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёни табиийликка айланди. Мустамлака ва у билан боғлиқ барча хўрликлар, маҳдудлик хотирадан ўчди, ўчиб бормоқда. Аммо иккинчи томондан, ҳар қандай ақлирасо инсон ва жамият ўзи яшаб турган давр, шоҳиди бўлмиш жараённинг мағзига етишга уриниши, керак-ку, ахир. Агар, тилга олинган мақол мазмунидан келиб чиқсак, фикр қилиши керакми?

Келинг, мазкур масала борасида бирга мулоҳаза юритайлик ва бунинг учун 1997 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ мавзунинг энг асосий жиҳатларига эътибор қаратайлик.

Жорий йилнинг 25 февралида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз келтириб ўтган асосий рақамлар шундай: ўтган йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 105,2, ЯИМ ҳажмининг аҳоли жон бошига олганда 103,2, саноат 106,5, қишлоқ хўжалиги 105,8, қурилиш 102,6, савдо 112,7, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 121,3, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 111,2, капитал маблағлар ўзлаштириш 117 фоизга ўсди.

Кўриб турганимиздек, барча соҳаларда барқарор юксалиш жараёни кетмоқда. Ва бу юксалиш реалдир. Шу ерда иқтисодий ҳисоб-китобнинг нозик томонларидан нари кишида, иқтисодий ўсишнинг реал ва нореали ҳам бўладими, саволи туғилиши ҳеч гапмас. Ҳа, оқнинг қораси, яхшининг ёмони бўлганидек, реалнинг нореали ҳам бўлади. Буни биз қуйидаги мисол орқали тушунтиришимиз мумкин.

Яқинда «Труд» газетасида Белорус раҳбари Лукашенко ва Россия ҳукуматининг собиқ етакчиларидан Чубайснинг ўзига хос сиртқи тортишувидан лавҳалар келтирилди. Чунончи, Лукашенко 1997 йилда Белорусда ЯИМ ҳажми 110, саноат 117, қишлоқ хўжалиги 104 ё 105 фоизга ўсгани ҳақида бонг урса, Чубайс, Россияда ўтган йили саноат 102 фоизга юксалди ва бу соғлом юксалишдир, дея Белоруснинг бу борадаги кўрсаткичларига шубҳа ва ўзининг тили билан айтсак, «сесканиш» билан қарайди.

Очиқ гап, биз бу ерда ушбу икки «иттифоқдош» давлат раҳбарларининг ўртасига тушиб, қозилик қилмоқчи эмасмиз. Зеро, мақсадимиз, юқорида аниқ айтилди: иқтисодий кўрсаткичларнинг реал ва нореаллиги масаласига ойдинлик киритиш. Шу маънода 1997 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ЯИМ ҳажмининг реал ўсиши ўртача 0,7 фоизни ташкил этди. Бу Ўзбекистон ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатларига нисбатан 7,4 баробар камдир. Ўзбекистонни ҳисобга олмаганда Ҳамдўстликдаги бошқа барча мамлакатларда 1997 йилда ЯИМ ҳажмининг ошиши 1996 йил ва ундан олдинги йилларда бу борадаги пасайиш суръатларига нисбатандир. Буни янада яққолроқ тасаввур этиш учун қуйидаги жадвалга мурожаат қилиш кифоя (1-жадвал).

(1-жадвал)

1991-1997 йилларда МДҲ мамлакатлари ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатлари (1990 йилга нисбатан фоизда)

	1990	1991	1991 йилда 1990 йилга нисбатан	1992	1992 йилда 1991 йилга нисбатан	1993	1993 йилда 1992 йилга нисбатан	1994	1994 йилда 1993 йилга нисбатан	1995	1995 йилда 1994 йилга нисбатан	1996	1996 йилда 1995 йилга нисбатан	1997	1997 йилда 1996 йилга нисбатан
Ўзбекистон	100	99,5	99,5	89	89,9	86	97,7	82	94,6	81	98,6	83	102	87	105,2
Белорус	100	99	98,8	89	90,4	83	89,4	72	87,4	65	90	66	102,6	73	110
Молдова	100	83	82,5	59	71	58	98,8	69	69,1	68	98,1	62	92,0	63	101
Қозоғистон	100	89	89	84	94,7	75	89,4	66	87,4	61	91,8	61	101,1	62	102
Қирғизистон	100	92	92,2	79	86,1	67	84,5	54	79,9	52	94,6	54	105,6	60	110
Россия	100	95	95	81	85,5	74	91,3	65	87,3	62	95,9	59	95,1	59	100,4
Арманистон	100	88	88,3	51	58,2	47	91,2	49	105,4	53	106,4	56	105,4	58	103
Озарбайжон	100	99	99,3	77	77,4	59	76,9	48	80,3	42	88	42	101,3	44	105,8
Грузия	100	79	78,9	44	55,1	31	70,7	33	108,7	35	103,3	38	111,2	42	111,3
Украина	100	91	91,3	82	90,1	71	85,8	54	77,1	48	87,8	43	90	42	97

(Давоми 2-бетда).

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ, БИРНИ КЎРИБ ШУКР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Демак, Белорус ЯИМ ҳажмининг 1997 йилдаги 110 фоизлик ўсиши аслида 1996 йилги 66 фоизга нисбатан бўлиб, 1990 йилга таққослаганда 73 фоизга тенгдир. Яъни, бу мамлакат учун ЯИМ реал кўрсаткичи 1997 йилда 73 фоизни ташкил этади. Бу борадаги Россия кўрсаткичи 59 фоизга тенг. Қозоғистонда эса 62, Қирғизистонда 60, Молдовада 63, Арманистонда 58, Озарбайжонда 44, Грузия ва Украинада 42 фоиз. **Мазкур рақамлар манзарасида Ўзбекистон мавқеи (деярли 90 фоиз) энг юқори бўлиб, Украина (42) ва Озарбайжон (44) кўрсаткичларини ўзаро қўшгандан ҳам баланд эканлиги яққол кўриниб турибди.**

Ушбу рақамлар мағзини янада оддийроқ қилиб чақсак, тасаввур қилинг, қаршингизда бир нечта қимматбаҳо тош турибди. Бирининг оғирлиги 83 кг, (Ўзбекистон ЯИМнинг 1996 йилда 1990 йилга нисбатан фоизи), иккинчисиники 66 кг (Белорус), учинчисиники 59 кг (Россия), тўртинчисиники 61 кг (Қозоғистон), бешинчисиники 54 кг (Қирғизистон), олтинчисиники 38 кг (Грузия) ва ҳоказо. 1997 йилда ушбу оғирликлар ўзгариб қуйидаги реал манзара ҳосил бўлди: 87 кг (Ўзбекистон), 73 кг (Белорус), 59 кг (Россия), 62 кг (Қозоғистон), 60 кг (Қирғизистон), 42 кг (Грузия). Агар сизга, хоҳлаган биттасини танлаб ол, десалар, албатта, 87 ни мўлжаллаган бўлардингиз. Бошқалар, масалан, белорус (73) ё қирғиз (60), менинг тошим ўтган йилга нисбатан 110 фоизга оғирлашди, бизникини ол, деса, жавобини қандай беришни ҳам ўзингиз яхши биласиз.

Реал натижа, рақамлар, кўрсаткичларнинг яна бир хусусияти шундаки, уларга қайси томондан ёндошманг, ҳар қандай синовга чидаш беради. Масалан, МДҲ мамлакатларининг 1997 йилдаги ЯИМ ҳажми кўрсаткичларини уларнинг сўнгги эллик йилдаги ЯИМ ҳажмининг ўзгариш суръатларига таққосласак, қуйидаги қизиқ бир ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. Яъни, Озарбайжон ва Молдованинг ўтган йилдаги ЯИМ ҳажмининг кўрсаткичлари мазкур республикаларнинг 1965 йилда эришган даражасига тенг бўлиб, фоиз ҳисобида олсак, 36 ни ташкил қилади. Бошқа мамлакатлар аҳволи эса бундай: Арманистон — 1976 йил (55 фоиз), Белорус — 1982 йил (72 фоиз), Грузия — 1968 йил (29 фоиз), Қозоғистон — 1984 йил (63 фоиз), Қирғизистон — 1982 йил (60 фоиз), Россия — 1980 йил (58 фоиз), Тожикистон — 1970 йил (31 фоиз), Украина — 1977 йил (42 фоиз). Шу ерда бир табиий савол туғилади: Ўзбекистон-чи? Жавоби оддий: Ўзбекистон учун мазкур нуқтаи назардаги даража 1990 йил билан белгиланади. Демак, оддийгина арифметикадан хабардор ҳар қандай инсон учун ушбу реал кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ ва улардан олинадиган реал хулоса ниҳоятда жўн: **тилга олинган мамлакатлар реал иқтисодий тараққиётда Ўзбекистондан 6 йилдан 35 йилгача орқададирлар.**

Иқтисодий кўрсаткичларнинг реал-нореаллиги одатда бир қатор омиллар билан белгиланади.

Биринчи омил тилга олинган йиғилишда юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилган бир масала билан боғлиқ. **Яъни, 1997 йилда илк бор ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан ўзиб кетди (1 - сурат).**

(1 - сурат)

Ўзбекистонда ЯИМ ва аҳоли ўсиш суръатларининг нисбати



Бу, ўз ўрнида ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 103,2 фоиз кўпайтириш имконини берди. Натижада ўтган йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ўртача пул даромадлари 110,5 фоизга ошди. Бундай ўсиш суръати Ўзбекистон тарихида умуман бўлмаганди. 1996 йилга қиёслаганда эса Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида аҳолиси пул даромадлари икки марта ошган ва бу борада етакчилик қилаётган ягона давлат Ўзбекистондир (2-сурат).

(2-сурат)

1997 йилда МДҲ мамлакатлари аҳолисининг пул даромадлари



Мазкур кўрсаткичлар билан танишгач, халқимизнинг яна бир мақоли хотирга келади: **даромадга қараб буромад.** Яъники, 1997 йилда кишиларимизнинг буромади қандай бўлди, демоқчимиз. Келинг яна рақамларга мурожаат қилайлик. 1996 йилга нисбатан ўтган йилда Ўзбекистонда савдо-сотиқ ҳажмининг ўсиши 112,7 фоизни ташкил қилган бўлса, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми эса 121,3 фоизга тенг бўлди.

Иккинчи омил ҳар қандай жамият иқтисодиётининг ўзак томири бўлмиш саноат ишлаб чиқаришидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Шу ўринда Президентимиз маърузаларидаги қуйидаги лавҳага мурожаат этсак: **Ўзбекистон собиқ шўролар ҳудудидаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилда 1990 йилдаги бошланғич даражадан 12,7 фоиз, жумладан, 1996 йилга нисбатан 6,5 фоиз ортган ягона мамлакатдир.** Ушбу рақамлар мағзини янада теранроқ чақиш учун қуйидаги қиёсга разм солсак (3-сурат).

(3-сурат)

МДҲ мамлакатларида 1997 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)



Энди шу ерда Лукашенко-Чубайс баҳсида келтирилган, Белорус саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 1997 йилда 117 фоизга «ўсганлиги» масаласига қайтсак. Хўш, бу 117 фоиз нимани, қайси бошланғич даражанинг ҳисобига «ясалган»? Жавоб учун яна реал рақамларга мурожаат қилсак (2-жадвал).

(2-жадвал)

1991-1997 йилларда МДҲ мамлакатларида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларининг ўзгариши (1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

	1990	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997
Ўзбекистон	**100**	**101,5**	**94,7**	**98,1**	**99,7**	**100,0**	**106,0**	**112,7**
Белорус	100	99,0	89,7	80,7	66,9	59,1	61,0	71
Қирғизистон	100	99,7	73,4	54,8	39,5	32,4	35,0	51
Украина	100	95,2	89,1	82,0	59,6	52,4	50,0	49
Қозоғистон	100	99,1	85,4	72,8	52,3	48,0	48,0	49
Россия	100	92,0	75,4	64,8	51,3	49,6	48,0	48
Арманистон	100	92,3	47,8	42,9	45,2	46,2	47,0	47
Озарбайжон	100	104,8	80,0	74,4	57,5	47,6	44,0	44
Молдова	100	88,9	64,8	65,0	47,0	45,2	42,0	41
Грузия	100	77,4	41,9	30,8	18,6	16,8	18,0	19

Кўриниб турганидек, Белорус саноати ҳажмининг 1997 йилдаги ўсиши ҳақиқатан ҳам 1996 йилга нисбатан 117 фоизга тенг. Аммо бошланғич нуқта бўлмиш 1990 йилга нисбатан олганда эса Белорус саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг реал натижаси 71 фоиздан иборат. МДҲнинг бошқа мамлакатларининг бу борадаги аҳволи ҳам шу каби: Туркманистон — 78 фоиз, Россия — 48 фоиз, Қирғизистон — 51 фоиз, Арманистон — 47 фоиз, Қозоғистон — 49 фоиз, Украина — 49 фоиз, Молдова — 41 фоиз, Озарбайжон — 44 фоиз, Тожикистон — 34 фоиз, Грузия — 19 фоиз. Ўзбекистонда эса саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, айтилганидек, 1997 йилда 1990 йилга нисбтан 112,7 фоизни, 1996 йилга нисбатан эса 106,5 фоизни ташкил қилди. Энг муҳими, мазкур соҳадаги Ўзбекистон кўрсаткичлари 1993 йилдан буён деярлик 100 фоизлик даражада сақланиб, 1996 йилдаёқ 104 фоизга чиққан. Бундан чиқди, Ўзбекистоннинг кўрилаётган масала бўйича юксалиши олдинги йиллардаги ўсишларга нисбатан юксалишдир. Ва, аксинча, қолган мамлакатларнинг бу борадаги «ўсишлари» уларнинг 1991-1996 йиллардаги ушбу соҳадаги ўта пасайиб кетишларига нисбатандир.

Бундан ташқари, агар Қозоғистон мисолида оладиган бўлсак, Олмаотадаги Иқтисодий тадқиқотлар институтининг нашри «Аль-Пари» журналида келтирилган маълумотларга кўра, мазкур мамлакат саноат ишлаб чиқаришида етакчи саналган соҳалардаги пасайиш ниҳоятда сезиларлидир: машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати — 33,8 фоиз, химия ва нефтхимия саноати — 28,6 фоиз, нефтни қайта ишлаш саноати — 17,6 фоиз, кўмир саноати — 7,7 фоизга қисқарган. Натижада ўтган йили Қозоғистонда 544 корхона бутунлай, 980 корхона қисман ишлаб чиқаришни тўхтатган. 327 корхона эса иш вақтининг қисқартирилган режимига ўтишга мажбур бўлган.

Учинчи омил ҳақида сўз кетганда 1997 йилда эришилган натижалар кўп жиҳатдан иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга эришиш сиёсати билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда яна маърузага мурожаат қилсак: **1997 йилда 1996 йил билан таққослаганда, дон маҳсулотлари, шакар ва қандолат маҳсулотлари импорти 2 марта, ун ва ун маҳсулотлари импорти 5 марта, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар импорти 17 марта, минерал ёқилғи, нефть импорти 2,5 марта, кийим-кечак импорти 7 марта, пойабзал ва шу турдаги маҳсулотлар импорти 4 марта қисқарди.**

Бошқача айтганда, мазкур маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш шунча мартага кўпайди. Бу эса ўз ўрнида минглаб қўшимча иш жойлари, ўнлаб замонавий корхоналар пайдо бўлишига ё мавжуд ишлаб чиқариш тармоқларининг янада кенгайишига олиб келди. Яна бир гап: импорт маҳсулотларига солинадиган устама ҳаққа кетадиган қанчадан-қанча маблағ тежаб қолинганлигини ҳам ёдда тутмоқ керак. **Энг муҳими, ушбу натижалар, Президентимиз ўзларининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобларида таъкидлаганларидек, «иқтисодимизни ва, айниқса, истеъмол бозорини ташқи беқарорлаштирувчи омиллар таъсирига қарам бўлишдан асраш» томон қўйилган залворли қадамдир. Демак, юртбошимизнинг четдан маҳсулот олиб кириш омилини йўққа чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлари нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки катта сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир.**

Импорт ҳақида сўз юритганда, 1997 йилга хос яна бир жиҳат эътиборни тортмай қолмайди. У ҳам бўлса, **импорт умумий ҳажмининг 74 фоизи ишлаб чиқариш – техник мақсадларга мўлжалланган товар ва асбоб-ускуналар импортига тўғри келмоқдаки, бу бизнинг стратегик йўлимизга мос тушади.** Бу амалда юксак технология билан жиҳозланган янги корхоналарнинг юзага келиши, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этилиши демакдир. 1997 йилда технологиялар импорти 123 фоизга ортганини худди шу орқали тушунтирмоқ керак, деб ўйлаймиз. Шу ўринда ҳамдўстлик мамлакатларидаги аҳволга келсак, МДҲ давлатлараро статистик қўмитаси берган маълумотларга кўра, масалан, ўтган йилда Белорус импортида гўшт ва субтропик маҳсулотлар салмоғи 2,6 марта, нон маҳсулотлари учун дон 2,9 марта, буғдой уни 1,6 марта, ўсимлик ёғи 5,2 марта, Қозоғистон импортида гўшт ва субтропик маҳсулотлар салмоғи 3,5 марта, сариқ ёғ 3 марта, ўсимлик ёғи 2,4 марта, қанд тайёрлаш учун хом ашё 2 марта, шакар 3 марта, дори-дармон 2,5 марта, Россия импортида гўшт салмоғи 1,5 марта, сариқ ёғ 2,4 марта, ўсимлик ёғи 3,6 марта, қанд тайёрлаш учун хомашё 1,4 марта, дори-дармон 1,5 марта, шакар 2,3 мартага ошган.

Экспортга келсак, маҳсулотларимиз дунёнинг 78 мамлакатига жўнатилмоқда. Энг муҳими, экспорт таркибида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Экспортнинг анъанавий турлари – пахта, рангли металл билан бир қаторда Ўзбекистон бугун четга тармоқ маҳсулотлари – калава, бензин, автомобил сотишни йўлга қўйиб жаҳон бозоридан муносиб ўрин олмоқда. Хомашё ресурслари экспорти улуши камайтирилиб, тайёр маҳсулотлар, жумладан, қайта ишланиш даражаси юксак бўлган маҳсулотлар экспорт қилиш ҳажми ошмоқда. Шу маънода рақамларга мурожаат қилсак, 1997 йилда нефт ва газ маҳсулотлари экспорти 4 марта, автомобиллар экспорти 7,4 марта, кимёвий штапель тола экспорти 6,8 марта, кийим-кечаклар экспорти 68 фоизга ошди.

Шунингдек, ЯИМдаги экспорт салмоғи бўйича Ўзбекистон ҳозирда Россия, Озарбайжон, Арманистон, Қирғизистон ва Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларидан олдиндадир. Иккинчи томондан, ЯИМдаги импорт салмоғи бўйича Ўзбекистон кўрсаткичи МДҲ мамлакатларига таққослаганда деярли энг кичикдир.

Импорт ва экспорт мавзуига хулоса ясарканмиз, ўтган йили МДҲ мамлакатларига экспорт 63 фоизга, жаҳоннинг бошқа давлатларига эса 89 фоизга ошганини эслатиб ўтиш лозим. Ташқи савдо муомаласидаги бундай ўсиш суръатлари билан МДҲдаги биронта мамлакат биз билан беллаша олмаслигини ҳам таъкидлаган бўлардик. **1997 йилда Ўзбекистон ташқи савдо муомаласи қарийб 9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.**

Тилга олинган омиллар ва улар билан боғлиқ натижаларнинг юзага келишида катта аҳамият касб этган **тўртинчи омил** борки, у ҳам бўлса сармоя маблағлар ҳажми ва сарфи билан боғлиқ. **Шу маънода 1997 йилда молиявий таъминотнинг барча манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган сармоя маблағлари 270 миллиард сўмдан ортиқ бўлиб, 1996 йилга қиёслаганда мазкур кўрсаткич ўтган йилда 17 фоизга ўсгани ойдинлашади. Ваҳоланки МДҲ мамлакатлари иқтисодиётида сармоя маблағ ҳажми 1996 йилга нисбатан 1997 йилда ўртача 3 фоизга камайган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда жами сармояларнинг 63 фоизидан ортиғи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторида ўзлаштирилди, 30 фоизи замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар сотиб олишга сарфланди.**

Яна қиёсга ўтсак, сармоя маблағлари ҳажми бўйича Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи ўринда туради. Чунончи, Ўзбекистоннинг мазкур борадаги кўрсаткичи 1991 йилги даражага қиёслаганда 69 фоизни ташкил қилган ҳолда ушбу кўрсаткич, масалан, Россияда 23 фоизга, Қозоғистонда 13 фоизга, Белорусда 40 фоизга, Молдовада 13 фоизга, Қирғизистонда 38 фоизга, Украинада 18 фоизга, Грузияда 9 фоизга тенг (4-сурат).

(4-сурат)

1997 йилда МДҲ мамлакатларида барча манбалар ҳисобидаги сармоя маблағлар ҳажмининг аҳволи (1991 йилга нисбатан фоизда)



Умуман сармоя маблағлар тўғрисида сўз юритарканмиз, чет эл инвестицияларига эътиборни жалб қилиш табиийдир. Шу ўринда **1997 йилда мамлакатимизда 1,1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, 1996 йилга таққослаганда бу 1,3 баробар кўпдир.**

Сармоя маблағлар умумий ҳажмининг 20 фоизи чет эл инвестиция ва кредитлари ҳиссасига тўғри келади. Чет эл сармояларини тўғридан тўғри ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтириш бўйича эса Ўзбекистондан Россия 5 марта (3,8 фоиз), Молдова 2 марта (11 фоиз), Белорус 5 марта (4 фоиз), Украина 20 марта орқада ва ҳоказо.

Энди сармоя маблағлар сарфидан олинган асосий натижаларга тўхталсак. **1997 йилда йилига 2,5 миллиард куб газ ҳайдаш қувватига эга Кўқдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси, «Кўқон» спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё корхонаси, Тошкент ип йигирув фабрикаси, Фарғона кимёвий тола корхонаси таркибида полиамид ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ишга тушди, Ғузор–Бойсун–Қумқўрғон темир йўлини, Тошкент–Андижон–Ўш–Қашқар автомобил йўлининг Қамчиқ довони участкасини қуриш ва таъмирлаш ишлари давом этди.**

Сармоя маблағларнинг каттагина қисми уй-жой ва ижтимоий тармоқ масканларини қуришга сарфланаётганини билиб қўйиш фойдалидир. Чунончи, **1997 йилда 6,7 миллион квадрат метр уй-жой қурилди. Шундан 5,4 миллион квадрат метр уй-жой қишлоқда барпо этилди.** Ҳамдўстлик мамлакатларида уй-жой қурилишига оид рақамларни оладиган бўлсак, 1991 йилга нисбатан 1997 йилда Ўзбекистон кўрсаткичи энг юқори – 71 фоиз. Арманистонда эса ушбу кўрсаткич 14 фоизга, Озарбайжонда 17 фоизга, Грузияда 11 фоизга, Қозоғистонда 22 фоизга, Қирғизистонда 26 фоизга, Молдовада 31 фоизга, Украинада 45 фоизга, Россияда 67 фоизга, Белорусда 61 фоизга тенг (5-сурат).

(5-сурат)

1997 йилда МДҲ мамлакатларида уй-жой қуриб фойдаланишга топшириш



Шу билан бирга, гарчи уй-жой қуриб фойдаланишга топшириш бўйича Россия ва Белорус кўрсаткичлари (67 ва 61 фоиз) Ўзбекистон кўрсаткичларига яқин туюлсада, бироқ бир ҳақиқатни айтиб ўтиш лозим. У ҳам бўлса, масалан, Россияда уй-жой қурилиши биздагидек ички ресурслар ҳисобига эмас, балки Германия, Япония ва бошқа давлатлардан олинган қарзлар эвазига ҳам амалга оширилмоқда. Бундан ташқари МДҲ мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонда уй-жой қурилиши ҳажми 9 фоизга ошди. Қолганларда эса, масалан, Россияда бу борадаги кўрсаткич 1997 йилда 5 фоизга, Украина, Қозоғистон, Қирғизистонда 4 фоизга қисқарган. Яна бир гап: **мамлакатимизда турар-жой сертификатлари бўйича сотиб олинадиган уй-жой нархининг 50 фоизини давлат қопламоқда. Бу фақат 1997 йилда 1,2 миллиард сўм дегани.**

Шунингдек, ўтган йилда 64 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1,5 минг бемор қабул қилиш имконига эга касалхоналар, бир сменада 11,7 минг кишига тиббий хизмат кўрсатишга қодир поликлиникалар қурилди. Янги ишга туширилган ижтимоий соҳа масканларининг учдан икки қисми қишлоқда барпо этилганига алоҳида урғу берган бўлардик. Мамлакатимизда касалхоналар қуриб топшириш 1996 йилга қараганда ўтган йили 119 фоизга ўсган ҳолда Россияда, аксинча, ушбу соҳада 24,5 фоизга, Украинада 30 фоизга пасайиш бор.

Агар уй-жой ва ижтимоий тармоқ масканлари қурилишига биз 1997 йилда сармоя маблағларнинг 37 фоизини сарфлаган бўлсак, Озарбайжон ва Қирғизистонда бу кўрсаткич 16 фоизга, Қозоғистонда 26 фоизга, Россия, Украинада 35 фоизга, Молдовада 28 фоизга тенг ва ҳоказо.

Келинг, шу ерга келганда хулосаларга ўтсак. Зеро, 1997 йилда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда эришилган натижалар, ютуқларни бир мақола доирасида таҳлил этиб улгуриш мумкинмас. Аммо тилга олинган кўрсаткичлар ва уларнинг бошқа мамлакатларнинг аҳволи билан қиёси биз бошда қўйган масала: фикр ва шукр мантиқий қоидасининг нақадар ҳаётий эканлигини исботлаб турибди. Яъни, МДҲ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволидаги бўҳронлар, номутаносибликлар, ишлаб чиқариш ва умуман турмуш даражасининг пасайиб кетганлигини кўриб биз, албатта, шукр қиламиз. Керак ҳам. Аммо шу билан бирга ўзимизга савол берайлик: бундан атиги 10 йилча бурун сиёсий қарамлик, миллий маҳдудлик ва хўрлик, иқтисодий ночорлик шароитида яшаган жамиятимизнинг бугун гўё бирдан бунчалар қад ростлаганининг сири нимада? Шу ҳақда фикр қилайлик, ахир. Албатта, мазкур мақоладан ҳар ким ўз хулосасини қилади. Бироқ бир нарса аниқ. У ҳам бўлса, истиқлол йиллари, хусусан, **1997 йилда эришган ютуқларимизнинг бош омили шу билан белгиланадики, юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, «биз енгил йўлни қидирмадик». Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, одамлар учун эканлигини белгилаб олдик.**

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ қилинаётган беш тамойили моҳият эътибори билан барча ютуқларимизнинг фундаментидир. Фундамент қанчалар мустаҳкам бўлса, унинг устида барпо этиладиган ҳар қандай иншоот ҳам шу қадар бўлишлигини исботлашга ҳожат йўқ. Буни ҳозирда бутун жаҳон афкори Ўзбекистон модели, Ўзбекистон йўли, дея тан олмоқда.

Раҳмонқул КАРИМОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор,
Шерзод ЗИЁКОР.

МАРДЛИК ТУЙҒУСИ

ВАТАНГА ҚУВВАТДИР ЙИГИТНИНГ ЗЎРИ

Ватан билан йигитнинг жони бир. Йигит қанчалар ўктам бўлса, Ватан ҳам шунчалар адлдир. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳарбий ва мукобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни куролли кучлар, чегара ва ички кўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва мукобил хизматга чақириш тўғрисидаги қарори чиқди. Шу муносабат билан Тошкент вилояти мудофаа бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник Раҳматилла Тошхўжаев бизга ўз фикрларини изҳор этди:

– Мард йигитлар она юрт ҳимоясини виждоний бурчим деб биладилар. Бу тушунча, бу туйғу энг муқаддас неъматдир. Бобокалонимиз Амир Темур ҳам «Фарзандлари соғлом юрт қудратлидир» деб таъкидлаганлар. Бу дунёда ҳамма тинч ва бехаватир яшашни истайди. Бунинг учун эса Ватанга темирдек мустаҳкам мудофаа зарур. Ушбу мудофаанинг негизини эса мард ўғлонлар ташкил қилади.

– Гапни яхши бошладингиз. Йигитлар мард бўлиши учун дастлаб биз уларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминламоғимиз даркор. Яъни Ватанни-Ватан қиладиган йигит, йигитни-йигит қиладиган тарбия демакдир. Шундан келиб чиққан ҳолда бугун йигитларимизнинг ҳарбий хизматга не чоғли тайёрланаётганлиги хусусида ҳам тўхталсангиз?

– Хизматга тайёрлаш масаласида нафақат биз, балки, жамоат ташкилотлари ҳам жиддий ҳаракат қилишмоқда. Масалан, Республика «Камолот», «Нуроний» жамғармалари, маҳалла йигинлари, халқ таълими вазирлиги, спорт қўмитаси, жойлардаги ҳокимликлар ўзаро келишган ҳолда «Шунқорлар» мусобақа дастурини ташкил этганмиз. Бу тадбир ҳар йили мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилади. Ғолиблар тақдирланади. Бундан ташқари қатнашчиларнинг барчаси ушбу тадбир асосида аскарлик сир-асрорларини ўрганади.

Мактаб ва олий ўқув юртлари ўқувчилари ҳам ўзларининг маълум вақтларини ҳарбий таълимга сарфламоқдалар.

– Фараз қилайлик, йигитлар юрт мудофааси учун хизматга шай бўлди. Уларни армияга жўнатиш ва хизмат муддатидан сўнг кутиб олиш масаласида кейинги пайтда қандай қулайликлар жорий қилинди?

– Мудофаа тизимининг ҳар бир бўлимида хизматга сафарбарлик комиссияси ташкил этилганлиги ўз самарасини бермоқда. Бу комиссия таркибига туман мудофаа бўлими хизматчилари, ҳоким муовинлари, ички ишлар бошқармаси аъзолари, тиббий текширувчилар, маҳалла фаоллари, «Камолот» ва «Нуроний» жамғармаларининг раҳбарлари киритилган.

Йигитларнинг хизматга яроқли ёки яроқсизлигини текширишда ушбу комиссия аъзоларининг ҳар биттаси аниқ қоида бўйича хулоса чиқаради. Уларнинг оилавий шароити, маънавий томонлари, жисмоний баркамоллиги, судланган ёки судланмаганлиги, касб-кори тўлиқ ўрганилади. Комиссиянинг ҳар битта аъзоси йигитларнинг эсон-омон хизматни ўтаб қайтишига қатъий жавобгар ҳисобланади.

– Ҳарбий хизмат ҳамда Ватан ҳимоясини ниҳоятда муқаддас бурчлигидан қатъий назар, баъзи-баъзида ундан ўзини олиб қочадиганлар ҳам учрайди. Хўш, сизнинча бунга сабаб нима?

– Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Жумладан, оилавий тарбия ҳам таъсир этиши аниқ. Она юрт ҳимояси ҳар биримизга туғилганимиздан бошлаб шакллантирилиши лозим. Мактаб, жамоатчилик ёшларга ҳарбий хизматнинг нима эканлигини ўргатишда асосий бўғин ҳисобланади. Шундай пайтлар ҳам бўладиқи, бир йигитга икки-уч бор чақирув қоғози жўнатиб ҳам мудофаа бўлинмасига келтиролмайсиз. Наҳотки, ўша йигит, унинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари бунинг салбий оқибатларини ўйлашмаса?..

Бизнинг Тошкент вилоятимизда худога шукр, бундай ҳолатлар жудаям кам учрайди. Айниқса, Қибрай, Чиноз, Янгийўл туманларида, Чирчиқ шаҳрида ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Йигитлар хизматга кетгандан сўнг, ота-оналари бориб кўришлари учун шароитлар яратилган. Масалан, яқинда Қибрай ва Бўка туманидан кўп ота-оналар ўз фарзандларини кўриб келишди. Уларни ҳарбий қисмларда режалаштирилган ҳолда кутиб олишади. Қайси бир қисмга ота-оналар кўпчилик бўлиб ташриф буюришса, улар аскарларнинг ошхоналарида овқатланадилар. Аскарлар эса ўша кунлари жойлардаги ҳокимликлар томонидан овқатлантирилади.

– Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига жавобан Тошкент вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қароридан сўнг Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан махсус қарор тайёрланди. Унга кўра ҳарбий қисмларда ўз йигитлик бурчларини ўтаб бўлган ёшларни захирага бўшатиш, уларнинг ўрнига бошқаларни чақириш ишларини ташкилий асосда ўтказиш чора тадбирлари белгиланган. Транспорт, моддий ва маънавий таъминот, ҳуқуқий, жисмоний, тиббий муносабатларга доир ишлар режалаштириб олинди. Шунингдек, ҳарбий хизматга жўнатиш пунктларининг тайёргарликни янада яхшилаш масалалари ҳал қилинди. Ҳар бир йигит армияга жўнашдан олдин ҳар томонлама чуқур ўрганилади. Ота-оналар билан бамаслаҳат иш қилинади.

– Шу қарорга асосан захирага бўшатилган оддий аскар ва сержантларнинг хизматдан кейинги ҳаёти ҳам доимий ҳарбий назоратда бўладими? Аскарларнинг хизмат мобайнида ўрганган касби-кори армиядан кейин асқотаяптими?

– Албатта улар билан хизматдан сўнг қизиқиб турилади. Биласизми, ҳозир дунёнинг кўп мамлакатларида армия профессионаллаштирилган. Бироқ бизнинг армиянинг улардан устун томони шундаки, мамлакатимизнинг соғлом ҳар битта фарзанди армияда хизмат қилади. Бу яхши, албатта. Негаки, армия хизматини ўтаган ҳар бир киши ҳарбий қурол-яроғ билан истаган пайтда муомала қила олади. Улар ҳарбий сафарбарликка тайёр туришади.

Алоқачилар, қурувчилар, ҳайдовчилар, инженерлар бўлинмаларида хизмат қилган аскарларнинг касби сиз айтгандек армиядан сўнг ҳам турмушда асқотиши турган гап. Умуман ҳарбий хизматдан ўтган ҳар бири кўпи ҳеч нарса йўқотмайди. Чиниқади, мустақил яшашга ўрганади, ота-она ва бошқа биродарларининг қадрига етади. Энг муҳими, Ватаннинг нима эканлигини тушуниб оладилар.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.

АСКАРНИНГ АҲДИ БЎЛСИН

Раҳматлик бувам айтардилар: «Ўғил боланинг йигитлигини белгиловчи асосий омиллардан бири унинг она Ватан олдидаги муқаддас бурчи – ҳарбий хизматни мардона ўташдир». Баъзан ўйлаб қоламан, модомиқи, Ватанни ҳимоя қилмоқ олий мақсад, муқаддас бурч, йигитлигимизни белгиловчи омиллардан бири экан, ҳозирда нега айрим йигитларимиз турли баҳоналарни деш қилиб, хизматдан бўйин товлашади? Ахир бундай одатлар ота-боболаримиз қонида йўқ-ку?! Кўҳна Турон фарзандлари асл паҳлавон, мард ва жасур, киндик қони тўкилган диёри учун кўксини қалқон қилганликлари ҳаммамизга яхши аён. Аммо хизматдан қочаётганлар булардан мутлақо бехабар. Аслида ҳарбий хизмат йигитни чиниқтиради. Кучга куч, мардликка -мардлик қўшади. Ота-онанинг, бир қориндан талашиб тушган ака-уканинг, опа-



сингилнинг қадрига етишга ўрганади. Қолаверса, ўғлонларнинг маънавий дунёси кенгаяди, Ватан туйғусини тобора кенгроқ ва теранроқ ҳис қилади.

Аскар деганда одатда кўз олдимизга ҳарбий кийим-бош ярашган, сафда шаҳдам қадам ташлаётган, юз-кўзидан жанговорликнинг ўтли нафаси уфуриб турган йигитлар келади. Ҳозирда аксарларнинг ҳуқуқий маданияти ошаётганлигини, уларнинг доимий жангавор тайёргарлиги фақат қувонч билан қарши олиш мумкин. Шунингдек, ҳарбий қисмларимизда аскарлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшилигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мен хизмат қилаётган Ички қўшинлар бошқармасига қарашли ҳарбий қисм бунинг ёрқин мисолидир. Қисмимиз сардорининг шахсий таркиб бўйича ўринбосари офицер Турғун Холиқовнинг бир нафас бўлсада бамайлихотир турганини эслай олмайман. Ахир бутун бошли жамоанинг шахсий таркиби билан ишлаш кўпчилик ўйлагандек осонмас-да. Аммо майор Т. Холиқов барчасига улгуришга, ҳамма ишларга вақт топишга интилади. Шу интилиши боисми аскарлар уни ҳурмат билан тилга олишади.

Сўзимни мухтасар қилиб, хизмат мен учун ўзига хос ҳаёт мактаби бўлаяпти десам муболаға бўлмас. Нафақат мен балки, хизматдош дўстларим ҳам жасорат мактаби сабоқларини қунт билан ўрганишга, мазкур билимларини Ватан равнақи йўлида қўллашга аҳд қилишган.

Озод РАЖАБОВ, оддий аскар.

ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАР НУҚТАИ НАЗАРИДА

Журналистлар тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида мамлакатимиз олдида турган экология муаммолари ва уларни ҳал этиш йўлларига бағишланган давра суҳбати бўлди. Унда республикамиз оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, экологлар, олимлар иштирок этди.

Учрашувда минтақада вужудга келган экология вазиятининг энг кескин жиҳатлари, давлатда ягона умумэкология сиёсатини шакллантириш зарурияти масаласи муҳокама қилинди. Жамоатчиликни, жумладан, ҳукуматга қарашли бўлмаган турли ташкилотларни бу муаммоларни ҳал этишга тортиш ана шу сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлиши лозим.

Учрашув иштирокчилари республика оммавий ахборот воситаларида экология муаммолари тўла, батафсил ва пухта ёритилмаётганини таъкидлашди. Мамлакатимизнинг экология масалаларига доир қонунларига ҳам айрим қўшимчалар киритилиши зарур. Ёш авлодни экологик жиҳатдан тарбиялаш, аҳолида экологик маданиятни шакллантиришга, шунингдек, мамлакатимизнинг экологик жиҳатдан зарарсиз технология ва корхоналарни барпо этишга қаратилган илмий салоҳиятини ривожлантиришга катта эътибор бериш керак.

О.ЗАДУНАЙСКАЯ, ЎзА мухбири.

Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат

«Пахта-банк»

Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда аҳолига моддий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида омонатларнинг янги турларини тавсия этади.

1998 йил март ойидан бошлаб аҳоли омонатларининг қуйидаги муддатли турларини жорий этди:

– бошланғич миқдори камида 2000 сўм бўлган «Оқ олтин» омонат тури. Муддати – 6 ой. Йиллик тўлов миқдори – 30 фоиз. Омонат қўйилган куни ва кейинги ҳар ойда 2,5 фоиздан тўлаб борилади;
– бошланғич миқдори камида 1000 сўм бўлган «Пахтакор» омонат тури. Муддати – 3 ой. Йиллик тўлов миқдори – 25 фоиз.

«Пахта-банк» бўлимларида амалда бўлган омонат турларига 1998 йил 5 мартдан бошлаб қуйидаги миқдорда фоиз ставкалари белгиланди:

– талаб қилиб олингунча муддатга, йиллик тўлов миқдори – 10 фоиз;
– 6 ой муддатга, йиллик тўлов миқдори – 30 фоиз, бошланғич омонат миқдори камида 1000 сўм;
– 12 ой муддатга, йиллик тўлов миқдори – 36 фоиз, бошланғич омонат миқдори камида 2000 сўм;
– 1 йилдан 3 йилгача муддатга, йиллик тўлов миқдори – 40 фоиз;
– 3 йилдан 5 йилгача муддатга, йиллик тўлов миқдори – 45 фоиз.

1998 йилнинг 5 мартига қадар қабул қилинган омонатлар учун фоизлар омонатчилар билан тузилган шартнома муддати тугагунча аввал белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

Ушбу хизмат турларидан фойдаланиш учун банкнинг ўзингизга энг қулай ва мақбул бўлимига мурожаат этинг. Яхши ният билан жамғарган омонатларингиз орзу ҳаваслaрингизнинг ушалишига хизмат қилсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 1998 йил февраль ойининг иккинчи ярми бўйича маълумот)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Тижорат банкларининг 1998 йилда иш ҳақига маблағларни бериш Тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Марказий банки, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган.*
1998 йил 21 февралда 407-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар устав фондига киритиладиган интеллектуал мулки баҳоси бўйича хулоса бериш тўғрисидаги Низом. *ЎзР Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган, ЎзР Молия вазирлиги билан келишилган.*
1998 йил 24 февралда 408-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

3. Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни уй-жойширкат қурилишида қўллаш тўғрисидаги Тушунтириш хати. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*
1998 йил 28 февралда 409-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

4. Талабаларнинг олий ўқув юртларида ўқиши учун корхоналар томонидан ўтказиладиган маблағларга солиқ солиш тўғрисида Тушунтириш хати. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*
1998 йил 28 февралда 410-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

II. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозорида ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотлари тўғрисидаги Низом. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*
2. Корхона ва ташкилотларнинг ишлатилган ва бузилган оддий вексель бланкаларини йўқ қилиш тўғрисидаги Вақтинчалик низом. *ЎзР Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.*
3. Руҳий касалларни меҳнатга қайта ўргатиш ва ишга жойлаштириш бўйича ихтисослаштирилган корхона тўғрисидаги Низом. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*
4. а) Қозоғистон Республикасининг ҳамда Қозоғистон Республикаси учун мўлжалланган товарларни Ўзбекистон Республикаси бож олинадиган ҳудудидан автотранспорт воситалари орқали транзит олиб ўтишда мажбурий божхона кузатувини киритиш тўғрисидаги Тушунтириш хати;
б) Қозоғистон Республикасининг юк ташувчи автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон ҳудудига кириши учун тўловларни жорий этиш тўғрисидаги Тушунтириш хати. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*
5. Ер ости магистрал муҳандислик коммуникацияларига ер остидан фойдаланганлик учун солиқ солиш тўғрисидаги Тушунтириш хати. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.*
6. а) Буғ ва сув иситиш қозонларининг тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш Қоидалари;
б) Руда ва концентратларни бўлаклаш ҳамда фойдали қазилмаларни майдалаш, бойитиш, саралаш вақтида хавфсизлик Қоидалари;
в) Суюқ аммиакларни ташишга мўлжалланган темир йўл цистерналаридан фойдаланишда техника хавфсизлиги Қоидалари;
г) Босим остида ишловчи идишларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги Қоидалари;
д) Юк кўтарувчи кранларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги Қоидалари. *Ўзсаноатконтехназорат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*
7. Ўзбекистон Республикаси стандарти. Ҳаракатдаги корхонанинг нархи — баҳолаш учун асос сифатида. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тақдим этилган.*
8. Ўзбекистон Республикаси стандартлари:
а) Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш миллий тизими. Асосий қоидалар;
б) Ўзбекистон Республикаси стандартини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш Тартиби;
в) Стандартларни ва техникавий шартларни текшириш, қайта кўриш, ўзгартириш ва бекор қилиш Тартиби. *Ўздавстандарт томонидан тақдим этилган.*
9. Ўзбекистон Республикаси сертификатлари:
а) Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилишини давлат томонидан текшириш ва назорат қилиш Тартиби;
б) Эксперт-тафтишчиларга қўйиладиган Талаблар;
в) Ишга ҳақ тўлаш Тартиби. *ЎзР Ўздавстандарт томонидан тақдим этилган.*
10. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналари бўйича бож тўловлари, қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини тўлашдан озод қилиш тўғрисида хулосаларини бериш Тартиби. *ЎзР Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*
11. а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаро ҳаво кемаси авиация ҳалокатлари ва ҳодисаларини тергов қилиш тўғрисидаги Низом;
б) Фуқаро авиациясининг учувчилари, курсантлари, диспетчерларининг таркибига кирувчи шахсларни, борт кузатувчилари ва фуқаро авиацияси ўқув юртларига кирувчи номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низом;
в) Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлиги устидан назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш бўйича Қўлланма. *"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси томонидан тақдим этилган.*

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

III. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. Магистрал ва халқаро алоқа линияларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хулосаси асосида қайта ишлаб чиқилган). *ЎзР Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*
2. Нефть маҳсулотларини бозор фондининг бир қисмини хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларини эгаларига сотиш Тартиби. *"Ўздавнефтмаҳсулот" Давлат акционерлик бирлашмаси томонидан тақдим этилган.*
3. Нефть маҳсулотларига бериладиган талонларни ҳисобга олиш ва нефть маҳсулотларини талонлар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги ва Ўздавнефтмаҳсулот томонидан тақдим этилган.*
4. "Корхона-маҳалла" иқтисодий ўзаро ҳаракат ва ҳамкорлик ҳудудларини ташкил қилиш тўғрисида Низом. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тақдим этилган.*
5. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган ёнилғи-мойлаш материалларига солинадиган қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш Тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.*
6. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.*
7. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.

Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона қўшма корхона

"Лок колор синтез"
ишлаб чиқарувчи заводи

янги арзонлаштирилган нархларда

УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАРНИ, ФАСАД ЭМАЛЛАРИНИ, МАТЛИ ЭМАЛЛАРНИ, Шифт ва деворлар учун БЎЁҚЛАРНИ таклиф этади.

КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!

СОТИБ ОЛАМИЗ: Сиккатив, флотореагент, 3-5т савдо ер тарозиси, 0,25х712х820 ўлчамли ЭЖК ок ва ГЖК қора тунукалари.

Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35.
Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41.
Факс: (371) 191-74-63.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ижрочи директори Сайдамин Аҳороврга рафиқаси
Маъмурахон ШАХОБОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқишхўжтаъминоттаъмир» давлат қўмитаси Андижон вилояти «Агромашсервис» бирлашмасининг раиси Абдусаттор Ғаниевга дадаси
ҒАНИЖОН отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк» Бошқаруви Қашқадарё вилояти Чироқчи бўлими бошқарувчиси
Ботир ХУДОЙНАЗАРОВнинг
бевақт вафоти муносабати билан онласига ва дўст-биродарларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат Иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси фалсафа кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор
Йўлдош ЖУМАБОЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ИнтерМЕД-Экосан» қўшма корхонаси жамоаси
Маъмура ШАХОБОВАнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТИҚХМИИ таркибидаги 2-сонли умумтехник лицей-интернат жамоаси информатика фани ўқитувчиси Мавлуда Мусажоновага онаси
МУҲАББАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА

ОЛИС ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ

IX аср ислом-араб дунёсининг илм-фан тараккиёти такомилида алоҳида ўрин тутади. Аббосийлар сулоласи даврида араб халифалигининг пойтахти бўлган Бағдод илм-фан маркази сифатида ҳам шухрат қозонган эди. Ҳали «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлар уйи») расман ташкил топмасдан бурун, ал-Мансур замонидаёк (VIII аср), бу ерда қадимги юнон ҳамда хинд тилларидаги бир неча илмий асарлар араб тилига таржима қилинган эди.

Хорун ар-Рашид (786-809) ва Маъмун (813-833) номи билан боғлиқ Академия ушбу анъанани, яъни аниқ фанлар-риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса ва жўғрофия кабилар билан шуғулланишни давом эттирди.

Бу ўринда мазкур Академия пойдеворига илк бор тамал тоши Марказий Осиёда — йирик савдо йўли чорраҳасида жойлашган халифаликнинг Шимолий-шарқий вилояти маркази—Марвда қўйилганлигини алоҳида такидлаш лозим. Маълумки, ал-Маъмун Хуросон ноиби бўлиб турган йиллардаёқ, Марвда ўз атрофига илмли, фозил кишиларни жалб қилган эди. Кейинроқ, у халифалик тахтини эгаллагач, Марв илм-фан мактабига мансуб Яҳё ибн Абу Мансур, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, Ҳолид ибн Абдулмалик ал-Марваррудий кабиларни ўзи билан Бағдодга олиб кетади ва «Байт ул-ҳикма» замирида Маъмун Академиясини ташкил қилади.

Мазкур Академияда фаолият кўрсатган марказий осиёликлар қаторида Шарқда «Ҳосиб» (математик), фанда «Астрономия асосчиси»номи билан шуҳрат қозонган буюк ватандошимиз ал-Фарғоний ҳам бор эди. Тарихда Абдул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда кам сақланиб қолган бўлса-да, у ўз номини фан соҳасида эришган улкан ютуқлари билан кишилик хотирасига абадий муҳрлашга муваффақ бўлди.

Фарғоний ал-Маъмун ташаббуси билан 829 йили Бағдод яқинидаги Шаммосия шаҳарчасида бунёд этилган расадхонада узоқ йиллар илмий кузатишлар олиб борди. Осмон ёритгичлари — қуёш, ой ва юлдузлар ўрни, ҳаракати ҳамда ўзгаришлари устида тинмай изланди, қуёш тутилиши, ер шарининг меридиан узунлиги билан боғлиқ астрономик кашфиётлар қилди. Ўша даврларда тузиб чиқилган, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган фалакиёт тақвими (астрономик календарь) ҳам аллома номи билан боғлиқдир. Араблар ушбу тақвимга таяниб, ўқиладиган 5 маҳал намоз вақтини, масжидлар қурилишини, қибла ва Макка йўналишларини аниқлаганлар.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг буюк илмий хизматларидан бири, астрономия асосларини яратганлигидадир. Фалакиёт илмида Птолемейдан (II аср) то ал-Маъмун замонигача, мағрибу машриқда ал-Фарғонийдан бошқа бирор истеъдод соҳиби чиқмади, десак муболаға бўлмас.

У ўзининг машҳур «Мадхал ун-нужум» («Астрономияга кириш») асарида ўша Птолемейнинг «Альмагест»ида баён қилинган фикрларни илмий-ижодий ривожлантира бориб, фарқли ўлароқ, осмон ёритгичларининг ҳаракат назарияси аниқ математик ҳисобларда исботлаб берди. Шунинг учун ҳам бу асар, кейинги бир неча асрларда ташкил топган астрономия мактаблари учун асосий қўлланма вазифасини ўтаб келди.

Алломанинг 30 бўлимдан иборат бўлган мазкур асари тарқалган ҳудудлар, ҳеч шубҳасиз, у қозонган шон-шуҳрат миқёсларидан кам бўлмаган. Вақт ўтиши билан бу асар турли номларда Бағдод, Қоҳира, Истамбул, Тунис, Дублин, Лейден, Санкт—Петербург, Москва, Оксфорд, Париж, Принстон кутубхоналарининг олтин фондига айланди.

XIII аср араб олими Ибн ал-Қифтий Фарғонийнинг ушбу асарини «Фалакиёт илмидаги мислсиз воқеа» деб ҳисоблаган бўлса, испан олимлари Иоан Севильский, Герардо Кремонскийлар XII асрлардаёқ, уни лотин тилига таржима қилишга киришган эдилар. «Астрономияга кириш» ана шу таржималар асосида 1493 йили Италияда, 1537 йили Германияда, 1546 йили Францияда нашр этилди.

Шунингдек, олимнинг «Жавомиъ илм ин-нужум вал ҳаракат ас — самовия» («Юлдузлар илми ва самовий ҳаракатлар ҳақида тўплам») номли қомусий асари унга мислсиз шуҳрат келтирди.

Аҳмад ал-Фарғоний назариётчи олим бўлишдан ташқари, машҳур ихтирочи ҳам эдики, унинг ўрта аср фалакиёт илмида кенг қўлланилган устурлоб (астролябия) асбобини ясаш ва ундан фойдаланишга доир икки асари ҳам сақланиб қолган. Улардан бири, «Китаб ул-комил фил-устурлоб» («Астролябия ҳақида мукаммал китоб»), «Китоб фи-санъат ал-устурлоб» («Астролябия санъати ҳақида китоб») номлари билан машҳур бўлиб, унинг қўлёзма нусхалари ҳозирда Берлин, Кастамону, Лондон, Машҳад, Париж, Теҳрон кутубхоналарида мавжуддир.

Бу асар XIX аср охири — XX аср бошларида немис (Э. Видман) ва рус (Н. Д. Сергеева) тилларига таржима қилинган.

Олимнинг ҳозирча ўрганилмаган, устурлоб ҳақидаги иккинчи китоби — «Китаб амал бил-устурлоб» («Астролябия амали ҳақида китоб»)нинг ягона нусхаси эса Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида сақланмоқда. Шунингдек, ватандошимизнинг қуёш соати ясашга доир «Китоб амал-ар-руҳамат» номли асар ҳам Алеппо ва Қоҳира кутубхоналарида ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Аҳмад ал-Фарғонийни нафақат олис самовот сиру-саноатлари, балки она замин, унинг тузилиши, иқлими ва ўзгаришлари ҳам қизиқтирган. Шунинг учун ватандошимизнинг жўғрофия соҳасидаги фаолияти алоҳида илмий жасорат намунаси ҳисобланади.

Бу ўринда гап олимнинг ҳозирда Гота ва Қоҳира кутубхоналарида сақланаётган «Ҳисаб ул-аколим ассабъа» («Етти иқлим китоби») ҳақида бормоқда. Ушбу асарида Фарғоний ўзи туғилиб ўсган Фарғона водийси учун хос бўлган тўртинчи иқлим ҳақида шундай деб ёзади: «у (яъни, тўртинчи иқлим) Шарқдан бошланиб, Тибет мамлакати томонга боради ва Хуросон орқали ўтиб, Андалус орқали то Атлантика океанигача етади». Олим Фарғона, Хўжанд, Самарқанд, Бухоро, Марв, Балх, Ҳирот, Марваруд каби шаҳарларнинг шу иқлимда жойлашганлигини таъкидлайди. Ўз вақтида араб сайёҳлари, савдогарлари Фарғонийнинг бу асаридан кенг фойдаланганлар.

Фарғонийнинг, шунингдек, амалий ҳандаса, меъморчилик назарияси каби соҳалар билан ҳам шуғулланганлиги тўғрисида айрим маълумотлар бор.

Кўриниб турибдики, Аҳмад ал-Фарғонийни серқирра истеъдод соҳиби сифатида ўрта аср ислом дунёсининг атоқли олимлари қаторида ўзига хос муносиб ўрни бор. Бинобарин, алломанинг илмий ижодини ҳар тарафлама чуқур тадқиқ этиш мутахассислар олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳамид ТЛЛАШЕВ,
Тошкент автомобиль йўллари институтининг олий математика кафедраси профессори.
Носир ЖЎРАБОЕВ,
шу институт Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, доцент.



СИРЛИ СОКИНЛИК

Юрт гўзаллиги, баҳор нафосати, туйғулар тасвири... Биз Наврўз байрами давом этаётган шу кунларда Ўзбекистон Бадиий академиясида бўлиб ўтган рассомлар кўргазмаси ҳақида қанчалар тўлқинланиб сўзлаймиз. Санъат ихлосмандлари кўнглини ёритган суратларда истеъдодли мусаввирларимизнинг дунёни ҳайратга солари иқтидори намоён бўлган. Энг муҳими, кўргазмада миллий руҳ қоришиқ асарлар ўрин олган. Ҳар ким уларга боқиб ўзига тааллуқли, таниш хотиралар гирдобида қолади. Ҳар ким ўзига тегишли руҳий идрок қуршовида эҳтиросга чўмади... Санъатнинг кучи шунда эмасмикин? Азиз ўқувчи яхшиси, бу тасвирларни ўз кўзингиз билан кўринг. Фикр билдиринг. Ҳозирча биз кўргазмага СИРЛИ СОКИНЛИК деб ном қўйдик...

Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.

ПРЕМЬЕРА

«ЎТКАН КУНЛАР»НИНГ ЯНГИ ЖИЛОСИ

Ҳали унинг рангини билмаймиз. Балки яхши кечар, балки... деймиз ўзимизча. Йўқ, азизлар, у кунлар ҳам, бу кунлар ҳам ўткинчи эмаслигини айтсак ишонарсиз. Қўл силтаманг, кўнглингиз нени тусаётир? Юрагингизни олис йиллардан қолмиш нурли бир хотира эзмаяптими? Ёки ширин хўрсиниқ ила «эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди» дея беихтиёр шивирлаб қўйганингизни билмай қолясиз. Шунда...

«Ўткан кунлар»ни варақлаймиз. Ўзбек миллий адабиётининг даҳоси Абдулла Қодирийнинг тўрт фаслдада гуллаб тургувчи кўнгил боғларига талпинамиз. Ва бирдан тилло топган болакайдай ҳайқириб юборамиз: «Ўткан кунлар» ўлмас асар экан!»

Кечаги қутлуғ жума кунида Абдулла Қодирийнинг шу романи асосида тайёрланган янги фильм намойиши пойтахтнинг Киночилар уйида ўтди. Ким билади дейсиз, ташкилотчилар ҳам ҳайратда қолишди. Негаки, минглаб мухлисларнинг ярми яна бир бор экран юзини кўраётган асл муҳаббат қиссасини кўриб... суюниб-суюниб, эзилиб-эзилиб уйларига қайтган бўлсалар, ярми ўтмаган кунларнинг армонини туйиб-туйиб маҳзун кетдилар.

Энг қувончлиси, барибир ҳар қандай замонда ҳам халқимиз ўзининг ўтмишини, қолаверса, ўзлигини излар экан. Фильм намойиши куни бу ойдай равшан бўлди. Ҳамма баб-баравар, кино залига кирганлар ҳам, кирмаганлар ҳам бетакрор Қодирий бобомиз руҳига бўлган ўз ҳурматларини кўрсатдилар.

Биз «Ўткан кунлар»нинг янги талқини хусусида ҳали ўз муносабатимизни билдирамиз. Шунингдек, фильмдаги асосий ролларни ижро этган Беҳзод Муҳаммадкаримов (Отабек), Шаҳризода Дилмурод қизи (Кумуш), Лола Элтоева (Зайнаб), Ўлмас Алихўжаев (Мирзакарим қутидор) ва бошқа иқтидорли актёрларнинг маҳорати ҳамда картинадаги меъёрига етмаган жиҳатлар ҳақида аввало томошабинларнинг, қолаверса, мутахассисларнинг мулоҳазаларини ҳам ёритишни режалаштирдик. Ҳозирча эса... ҳаммамиз соғиниб ва орзиқиб кутган «Ўткан кунлар»нинг руҳи ва ҳарорати бугунги кунларга эш бўлаётганини таъкидламоқчимиз.

Жалил КАРВОН.

КЎРГАЗМА

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН"

24 март куни Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган: қўшма корхона - 98" кўргазмаси очилди. Унда мамлакатимизнинг турли нуқталарида фаолият кўрсатаётган 50 дан зиёд қўшма корхоналар маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бундай кўргазма республикада илк бор ўтказилаётир. Ушбу тадбирни кўргазма ташкилотчилари қўшма корхоналар маҳсулотларининг "баҳорги кўргазмаси" деб аташмоқда. Бу ҳар йили баҳор ойида ўтказиладиган анъанавий кўргазмага айланиб кетса ажаб эмас.

Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 3200 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Мазкур "Мэйд ин Ўзбекистан JV -98" кўргазмасида уларнинг 50 дан зиёди ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. "Ўзэкспомарказ" бош директори Б.Эрматов ушбу ҳолни изоҳлар экан, кўргазмага бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотлари нафақат маҳаллий бозорда, балки жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош саналадиган қўшма корхоналаргина таклиф этилганини айтди. Кўргазмада "ЎзДЭУавто", "ЎзДЭУэлектроникс", "СамКочАвто", "Подшипник", "Ландтехник", "Кибо"-болалар пойабзали, "Ист Батерфлай", "Волфсон Шарқ Интерпрайз", "ЎзКейсмаш", "Ўздунробита", "Самарқанд-Прага", "Ўзбекинвест", "Суси" ва бошқа қўшма корхоналар иштирок этаяпти. Меҳмонлар учун кўргазма пештахталарида турли-туман маҳсулотлар намойишга қўйилган: автомобилдан тортиб унинг алоҳида қисмларигача, аудио-видео техникалар, қишлоқ хўжалик техникалари, уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва турли хилдаги ичимликлар, доридармонлар, электр жиҳозлари ва ҳоказо...

Мижозлар айни шу жойнинг ўзида нафақат савдо-сотиқ ишларини амалга ошириши, балки ўзлари учун ишончли ҳамкорлар билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга.

Кўргазма 27 мартга қадар давом этади.

(ЎзА)

ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ

КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ

Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссияси Ричард Батлер раҳбарлигида Бағдодда ўз фаолиятларини бошлади. Маълумки, Ироқ атрофида вужудга келган кескинлик туфайли комиссия фаолияти тўхтаб қолган эди. Комиссия раҳбари Р. Батлер Ироқ БМТ инспекторлари билан ҳамкорлик қилмоқда, деб баёнот берди.

САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ

Сербиянинг Косово ўлкасида Президент ва парламент сайловлари бўлиб ўтди. Ҳеч ким тан олмаган Косово Президентлиги лавозимига Иброҳим Ругов сайланди. Сайловлар фуқароларнинг ниҳоятда фаоллиги билан ўтганлиги қайд этилди. Сербия ҳукумати ушбу сайловлар мавжуд қонунларга зидлиги туфайли уни тан олмаслигини билдирди.

ҲАМКОРЛИК ТАРАФДОРИ

Канада ташқи ишлар вазири Ллойд Эксуорси Кубага нисбатан иқтисодий қамал бекор қилиниши керак, деб баёнот берди. У мазкур мамлакат билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш лозимлигини таъкидлади.

Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 1 мартидан

«Оила»

пул-буюм ютуқли янги омонат турини таклиф қилади.

Бу омонат тури бўйича Сиз «NEXIA», «TICO», «DAMAC» енгил автомобиллари, «DAEWOO» рангли телевизори ва видеомагнитофонлари, «СИНО» музлатгичи, 2х3 ҳажмдаги гиламлар ҳамда қандил ва шунга ўхшаш бир қатор замонавий уй анжомлари ва пул ютуқларини ютиш билан бирга, қўшимча равишда фоиз даромадларини ҳам оласиз.



«Оила» пул-буюм ютуқли омонати бўйича ҳисоб варақаларини Халқ банкининг исталган туман бўлимида очишингиз мумкин.

«Оила» пул-буюм ютуқли омонати Сиз орзиқиб кутган омонат туридир!

Маълумотлар учун телефонлар: 785363, 782945, 1738680

Сиз ютган ютуқ ва олган даромадингиз оилангиз кўрки бўлишида Халқ банки омад тилайди!

«ЎЗБАЛИҚ» давлат акционерлик корпорациясига қарашли «Дамачи» акционерлик жамоа хўжалигининг йўқолган юмалоқ муҳри бекор қилинади.

Газетанинг навбатдаги сони 27 март, жума куни чиқади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 01062. 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

Таҳририят манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Худойров.
Навбатчи — Ф. Саваев.
Мусаҳҳих — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 1.00 123456